
ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Риштон туман сектор раҳбарлари томонидан Экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш, экспортёрларга қулай шарт-шароитлар яратиш, суъний бюракратик тўсиқларга барҳам бериш ҳамда Риштон туманининг 2021 йилдаги экспорт режасини ижросини таъминлаш мақсадида экспортёр корхоналар билан суҳбат ўтказилди суҳбат жараёнида экспортёр корхоналар фаолиятида юзага келаётган муаммоларини ҳал этишда тушинтириш ишлари олиб борилди. Малумот учун; Май ойи учун 1409,9 минг АҚШ долларга тенг экспорт прогноз режаси белгиланган бўлиб, амалда 28 май ҳолатига 2186,2 минг АҚШ долларга тенг экспорт амалга оширилди, бу прогноз режага нисбатан 155,1 фоизга ортиғи билан бажарилмоқда.Туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими ходимлари томонидан қишлоқ хўжалиги экспорти режасини бажариш юзасидан туманда янги “Эркин хожи бест экспорт” МЧЖ, “Риштон Озиқ-овқат мажмуаси” МЧЖ экспортёр корхоналари рўйхатдан ўтказилиб, “Эркин хожи бест экспорт” МЧЖ ҳамда Хитой давлатининг “Oheng supply Chain management” (ningbo) CO, LTD ўртасида 1 млн доллар экспорт шартнома имзолашга эришилди.

2021-05-28 14:13:04